

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 2020 йил 30 январдаги
n 144/02-11 -сонли хатига илова

**Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича
ХУЛОСА № 4**

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти ҳақида (янги таҳрирда)”ги Қонуни лойиҳаси

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ташаббускорлик асосида.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Суғурта фаолияти соҳасидаги муносабатларнинг мувофиқлаштириш, қонунни тўғридан-тўғри амал қиладиган нормалар билан тўлдириш, яъни лицензия бериш, суғурта ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва бошқалар.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – суғурта фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари;

давлат органлари гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва бошқалар;

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари –.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қонун лойиҳасининг **38-моддасининг учинчи хатбошида** Қонунда назарда тутилган ҳолларда суғурта мукофотининг миқдори **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган** ёки тартибга солинадиган суғурта ставкаларига мувофиқ белгиланиши кўрсатилган.

6.2. Қонун лойиҳасининг **41-моддасида суғурталовчи (суғурта брокери) раҳбари** қуйидаги малака талабларига жавоб бериши кераклиги:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий таълимнинг мавжудлиги ёки хорижий давлат таълим муассасаларида олинган олий таълим ва **Ўзбекистон Республикасида олий таълимга тенг деб эътироф этилган қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта соҳасида камида тўрт йил давомида тажриба** (суғурта агенти сифатида иш тажрибасидан ташқари, шунингдек, қўллаб-қувватлаш, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлари лавозимларида)га эга ҳамда қуйидаги соҳаларда, яъни, **Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти** ва бошқалар.

Суғурталовчининг **бош бухгалтери (суғурта брокери)** қуйидаги малака талабларига жавоб бериши керак:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий иқтисодий таълимнинг мавжудлиги ёки хорижий давлат таълим муассасаларида олинган ва қонун ҳужжатларига мувофиқ **Ўзбекистон Республикасида олий таълимга тенг деб эътироф этилган олий иқтисодий таълимнинг мавжудлиги;**

ҳисобчи сифатида тажрибаси, агар олий маълумотга эга бўлса - **охирги беш календар йилида камида уч йил, ва олий ноиқтисодий таълим эгаси бўлса-сўнгги ўн календар йилида чиқиб камида етти йил бўлиши** кераклиги.

6.3. Қонун лойиҳасининг **42-моддасида суғурталовчининг алоҳида бўлинмаси раҳбари (суғурта брокери)** қуйидаги малака талабларига жавоб бериши керак:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий таълимнинг мавжудлиги ёки хорижий давлат таълим муассасаларида олинган олий таълим ва **Ўзбекистон Республикасидаги олий таълимга тенг деб эътироф этилган қонун ҳужжатларига мувофиқ;**

суғурта соҳасида камида 1 йил давомида иш стажи (суғурта агенти сифатида, шунингдек, қўллаб-қувватлаш, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлари лавозимларида иш стажи бундан мустасно).

Суғурталовчининг алоҳида бўлинмаси **бош бухгалтери (суғурта брокери)** қуйидаги малака талабларига жавоб бериши керак:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий иқтисодий таълимнинг мавжудлиги ёки хорижий давлат таълим муассасаларида олинган ва қонун ҳужжатларига мувофиқ **Ўзбекистон Республикасида олий таълимга тенг деб эътироф этилган олий иқтисодий таълимнинг мавжудлиги;** камида 1 йил давомида ҳисобчи сифатида иш тажрибаси.

6.4. Қонун лойиҳасининг **44-моддасида** номзодларнинг ушбу қонунда белгиланган малака талабларига жавоб беришини аниқлаш мақсадида ваколатли давлат органида **комиссия тузилиши** кўрсатилган.

Суғурталовчиларнинг (суғурта брокерларининг) раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилган номзодларнинг ушбу қонунда белгиланган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш тақдим этилган

хужжатларни кўриб чиқиш ва номзодлар билан суҳбатлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Суҳбат номзодлар билан ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган ва унинг веб-сайтида эълон қилинган сўровнома асосида ўтказилади.

Суғурталовчининг раҳбари (суғурта брокери), суғурталовчиларнинг алоҳида бўлинмалари (суғурта брокерлари) раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилган номзодларнинг ушбу Қонунда белгиланган малака талабларига жавоб беришини аниқлайди.

Комиссия фаолияти, комиссияни ўтказиш, номзодларни малака талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиши кўрсатилган.

6.5. Қонун лойиҳасининг 47-моддасида суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурта брокерлари қоидаларга кўра факат акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий шаклида ташкил этилиши кўрсатилган.

6.6. Қонун лойиҳасининг 48-моддасида Суғурталовчи устав фондининг камида тўқсон фоизи таъсисчилар (иштирокчилар) маблағларидан ташкил топиши кўрсатилган.

6.7. Қонун лойиҳасининг 52-моддасида лицензия олиш учун зарур бўлган хужжатлар кўрсатилган, жумладан, лицензия олиш учун ариза берувчи ваколатли органга ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган хужжатлар билан биргаликда ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш объекти бўлган лицензия талабгорлари қўшимча равишда қуйидаги:

суғурталовчилар ўртасида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган биргаликдаги фаолияти тўғрисидаги, **суғурта иттифоқини яратиш тўғрисидаги шартноманинг нусхаси;**

суғурталовчининг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, суғурта тўловлари бўйича жабрланувчиларнинг даъволарини кўриб чиқиш ва суғурта тўловларини амалга ошириш бўйича шартномалар тузишга **ваколатли алоҳида бўлинмалар (филиаллар) мавжудлигини тасдиқловчи хужжатлар нусхалари;**

суғурта брокерлари учун:

лицензия талабгорининг раҳбари ва бош бухгалтерининг суғурта бозорини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатлар - сўровнома, **олий таълим дипломи ёки хорижий таълим муассасасида олинган олий таълим хужжатининг эквивалентлигини тан олган ваколатли давлат органининг гувоҳномаси ва меҳнат фаолияти қайди ёзуви (нусхалар илова қилинади))** тақдим этиши кўрсатилган.

6.8. Қонун лойиҳасининг 79-ва 80-моддаларида Суғурта (қайта суғурта) ташкилотини бошқариш бўйича вақтинчалик маъмурият тузилиши, уларнинг вазифа ва назорат функциялари кўрсатилган.

Жумладан, **вақтинчалик маъмурият ваколатли давлат органи томонидан унинг ходимлари ёки ушбу қонун талабларига жавоб берадиган бошқа шахслар орасидан тайинланиши келтирилган.**

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Қонун лойиҳасининг **38-моддасининг учинчи хатбошида** Қонунда назарда тутилган ҳолларда суғурта мукофотининг миқдори **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган** ёки тартибга солинадиган суғурта ставкаларига мувофиқ белгиланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонунига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга, мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларини танлашга, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Шунингдек, мазкур қонун билан давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашшига ҳақли эмаслиги кўрсатилган.

Ушбуларни инобатга олиб, суғурта мукофотининг миқдори суғурта ташкилотларини ўзлари томонидан белгиланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

7.2. Қонун лойиҳасининг **41-моддасида суғурталовчи (суғурта брокери) раҳбари** қуйидаги малака талабларига жавоб бериши кераклиги:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий таълимнинг мавжудлиги ёки хорижий давлат таълим муассасаларида олинган олий таълим ва Ўзбекистон Республикасида олий таълимга тенг деб эътироф этилган қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта соҳасида камида тўрт йил давомида тажриба (суғурта агенти сифатида иш тажрибасидан ташқари, шунингдек, қўллаб-қувватлаш, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлари лавозимларида)га эга ҳамда қуйидаги соҳаларда билимлар талаб этилади, яъни, **Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти** ва бошқалар.

Суғурталовчининг **бош бухгалтери (суғурта брокери)** қуйидаги малака талабларига жавоб бериши керак:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий иқтисодий таълимнинг мавжудлиги ёки хорижий давлат таълим муассасаларида олинган ва қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида олий таълимга тенг деб эътироф этилган олий иқтисодий таълимнинг мавжудлиги;

ҳисобчи сифатида тажрибаси, агар олий маълумотга эга бўлса - **охирги беш календар йилида камида уч йил, ва олий ноиқтисодий таълим эаси бўлса-сўнгги ўн календар йилида чиқиб камида етти йил бўлиши** кераклиги.

Шунингдек, Қонун лойиҳасининг **42-моддасида суғурталовчининг алоҳида бўлинмаси раҳбари (суғурта брокери)** қуйидаги малака талабларига жавоб бериши керак:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий таълимнинг мавжудлиги ёки хорижий давлат таълим муассасаларида олинган олий таълим ва Ўзбекистон Республикасидаги олий таълимга тенг деб эътироф этилган қонун ҳужжатларига мувофиқ;

суғурта соҳасида камида 1 йил давомида иш стажи (суғурта агенти сифатида, шунингдек, қўллаб-қувватлаш, техник ва хизмат кўрсатиш ходимлари лавозимларида иш стажи бундан мустасно).

Суғурталовчининг алоҳида бўлинмаси бош бухгалтери (суғурта брокери) куйидаги малака талабларига жавоб бериши керак:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида олинган олий иқтисодий таълимнинг мавжудлиги ёки хорижий давлат таълим муассасаларида олинган ва қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида олий таълимга тенг деб эътироф этилган олий иқтисодий таълимнинг мавжудлиги; камида 1 йил давомида ҳисобчи сифатида иш тажрибаси.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга, мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларини танлашга, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Шунингдек, мазкур қонун билан давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашинишга ҳақли эмаслиги кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг:

фаолиятнинг бирор бир соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишга чекловлар жорий этиши, шунингдек фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишни ёки муайян товарлар ишлаб чиқаришни ман этиши, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланиши белгиланган.

Шунингдек, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг товар ёки молия бозорининг нормал фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатларига, жумладан хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклашга ёки уларни бозордан четлатишга олиб келадиган келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувларига йўл қўйилмаслиги кўрсатилган.

Қонун лойиҳасига киритилаётган ушбу модда янги ташкил этиладиган юридик шахс ушбу фаолият тури билан шуғуллана олмаслигига олиб келади, бу эса лицензия фақат тор доирадаги ёки фақат аввалдан шуғулланиб келган тадбиркорлик субъектларига берилишига ва рақобатни чеклашга олиб келади.

Шунингдек, ташкилот раҳбари ёки бош ҳисобчисини олий маълумотли бўлиш лозимлиги талабини қайта кўриб чиқиш лозим, чунки, яхши иш тажрибасига ёки малакасига эга бўлган лекин, олий маълумотига эга бўлмаган ходимлар ҳам кўплаб топилади.

Ушбуларни инобатга олиб мазкур моддалар талабларини қайта кўриб чиқиш лозим.

7.3. Қонун лойиҳасининг 44-моддасида номзодларнинг ушбу қонунда белгиланган малака талабларига жавоб беришини аниқлаш мақсадида ваколатли давлат органида **комиссия тузилиши** кўрсатилган.

Суғурталовчиларнинг (суғурта брокерларининг) раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилган номзодларнинг ушбу қонунда белгиланган малака талабларига мувофиқлигини аниқлаш тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва **номзодлар билан суҳбатлар ўтказиш йўли** билан амалга оширилади.

Суҳбат номзодлар билан ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган ва унинг веб-сайтида эълон қилинган сўровнома асосида ўтказилади.

Суғурталовчининг раҳбари (суғурта брокери), суғурталовчиларнинг алоҳида бўлинмалари (суғурта брокерлари) раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилган номзодларнинг ушбу Қонунда белгиланган малака талабларига жавоб беришини аниқлайди.

Комиссия фаолияти, комиссияни ўтказиш, номзодларни малака талабларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиши кўрсатилган.

Қонуннинг мазкур моддаларида кўрсатилган нормалар ва тартиблар ходимларни малакасини аниқлаш, мувофиқлигини баҳолаш суҳбатларни ўтказиш инсон омили орқали амалга оширилишини инobatга олиб, барча жараёнларни электрон кўринишида амалга оширишни ташкил қилиш тақлиф этилади.

7.4. Қонун лойиҳасининг 47-моддасида суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурта брокерлари қоидаларга кўра фақат акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий шаклида ташкил этилиши кўрсатилган.

Суғурта ташкилотлари учун устав фондининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорининг мавжуд бўлиши талаби назарда тутилганлигини инobatга олиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига асосан акциядорлик жамиятларини ташкил этилиши, фаолият юритиши тартиблари ва талаблари белгиланганлигини инobatга олиб, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни 12-моддаси талабларига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятнинг бирор бир соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишга чекловлар жорий этиши, шунингдек фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишни ёки муайян товарлар ишлаб чиқаришни ман этиши, **хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклашга ёки уларни бозордан четлатишга олиб келадиган келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувларига йўл қўйилмаслигидан келиб чиқиб, суғурта ташкилотларини фақат акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилиш талабини чиқариб ташлаш лозим.**

7.5. Қонун лойиҳасининг 48-моддасида Суғурталовчи устав фондининг камида тўксон фоизи таъсисчилар (иштирокчилар) маблағларидан ташкил топиши кўрсатилган.

Ушбу нормада устав фондининг қолган 10 фоизи кўрсатилмаган бўлиб, ушбу фоиз кимга тегишли бўлиши лозимлигига аниқлик киритиш зарур.

Шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектлар яъни суғурта ташкилотларига уларнинг устав фондига кимлар киритилишини тўғрисида кўрсатма бериш ёки чегаралаб қўйиш Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонунига мувофиқ давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятнинг бирор бир соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишга чекловлар жорий этиши, шунингдек фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишни ёки муайян товарлар ишлаб чиқаришни ман этиши, молиявий

маблағларнинг манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш йўналишларининг афзаллиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериши, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашини, ўз вазифаларини хўжалик юритувчи субъектларнинг вазифалари билан қўшиб бажариши тақиқланади.

Ушбуларни инобатга олиб мазкур моддани қайта кўриб чиқиш лозим.

7.6. Қонун лойиҳасининг 52-моддасида лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар кўрсатилган, жумладан, лицензия олиш учун ариза берувчи ваколатли органга ушбу модданинг 1-қисмида кўрсатилган ҳужжатлар билан биргаликда ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш объекти бўлган лицензия талабгорлари қўшимча равишда:

суғурталовчилар ўртасида ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган биргаликдаги фаолияти тўғрисидаги, **суғурта иттифоқини яратиш тўғрисидаги шартноманинг нусхаси;**

суғурталовчининг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, суғурта тўловлари бўйича жабранувчиларнинг даъволарини кўриб чиқиш ва суғурта тўловларини амалга ошириш бўйича шартномалар тузишга **ваколатли алоҳида бўлинмалар (филиаллар) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;**

суғурта брокерлари учун:

лицензия талабгорининг раҳбари ва бош бухгалтерининг суғурта бозорини тартибга солиш ва ривожлантириш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган малака талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар - сўровнома, **олий таълим дипломи ёки хорижий таълим муассасасида олинган олий таълим ҳужжатининг эквивалентлигини** тан олган ваколатли давлат органининг гувоҳномаси ва меҳнат фаолияти қайди ёзуви (нусхалар илова қилинади)) тақдим этиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг **“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонунига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга, мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истеъмолчиларини танлашга, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Шунингдек, мазкур қонун билан давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашинишга ҳақли эмаслиги кўрсатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг **“Рақобат тўғрисида”**ги Қонунининг 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг:

фаолиятнинг бирор бир соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишга чекловлар жорий этиши, шунингдек фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишни ёки муайян товарлар ишлаб чиқаришни ман этиши;

хўжалик юритувчи субъектларнинг иктисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашини;

айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклашга ёки уларни бозордан четлатишга олиб келадиган келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувларига йўл қўйилмайди.

Юридик шахслар бирлашмаларининг хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолиятига пировард натижада рақобатни чеклаб қўядиган ёки чеклаб қўйиши мумкин бўлган тарзда аралашishi тақиқланади.

Ушбуларни инобатга олиб мазкур моддалар талабларини қайта кўриб чиқиш лозим.

7.7. Қонун лойиҳасининг 79-ва 80-моддаларида Суғурта (қайта суғурта) ташкилотини бошқариш бўйича вақтинчалик маъмурият тузилиши, уларнинг вазифа ва назорат функциялари кўрсатилган.

Жумладан, вақтинчалик маъмурият ваколатли давлат органи томонидан унинг ходимлари ёки ушбу қонун талабларига жавоб берадиган бошқа шахслар орасидан тайинланиши келтирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Масъулияти чекланган жамиятлар ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ жамиятларни бошқарув органлари, уларни тайинлаш тартиби, жамиятни бошқариш, фаолият юритиши ва бошқа барча тартиблар белгиланган, жумладан, жамият бошқарув органларини тайинлаш бўйича ваколат акциядорлар ва таъсисчилар томонидан амалга оширалади.


Юқоридагилардан келиб Қонуннинг мазкур моддаларини чиқариб ташлаш лозим.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу Қонун лойиҳасини юқорида келтирилган қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни талабларига мослаштирган ҳолда ва тенг рақобат муҳитини яратиш, хўжалик юритувчи субъектларни суғурта бозорига киришига тўсқинлик қилмаслик мақсадида кўрсатиб ўтилган тақлифларни инобатга олган ҳолда қайта тайёрланиб тақдим этилгандан сўнг, Қўмита томонидан келишиб (имзолаб) берилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Раиснинг биринчи

ўринбосари



Б.Каримов